



## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ РИВОЖИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, КЕЛГУСИ ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 октябрь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, шу йил апрелда ҳалқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтган, унда тадбиркорлик ва саноатни ривожлантириш, бу орқали бандликни таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта режалар белгилаб олинган эди.

Биринчи навбатда, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш масаласига эътибор қаратилиб, бу орқали келгуси йил вилоятда 207 мингта иш ўрни яратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун имкониятлар кўп. Жумладан, соатига 1,5 мингта автомобиль қатновига эга Шахрисабз — Китоб йўли бўйида хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун 3 мингта тадбиркорни жалб этса бўлади. Шахрисабзнинг Мираки ва Китобнинг Қайнар қишлоқларида туризмни ривожлантириш орқали 10 мингта иш ўрни яратиш имкони бор. Шунингдек, бундан ташқари ва ёр участкаларидан самарали фойдаланиш зарур.

Вилоятда катта салоҳиятга эга яна бир соҳа — саноат. Бу йўналишда 960 та лойиҳани амалга ошириб, 20 минг нафар аҳолини банд қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Хусусан, 22 та норуда конни ўзлаштириб, талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имкони бор. Кимё, нефть-газ, энергетика тизимидаги йирик корхоналар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиб, 65 та маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш лозим. Кластерлар томонидан тақлиф этилган 12 та лойиҳа пахтачи чуқур қайта ишлаш даражасини оширади.

Учинчи муҳим йўналиш — қишлоқ хўжалиги. Жумладан, 18 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилаб, қўшимча 90 миллиард сўмлик маҳсулот етиштириш, 66 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиб, 300 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш, 10 минг гектар пахта ва галла майдонини қисқартириш ҳисобига 32 минг оила бандликни таъминлаш мумкин. Умуман, имкониятлардан тўғри фойдаланилса, бу соҳада 295 минг нафар аҳоли ишли бўлади.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Қашқадарёда марказлашган тоза ичимлик сув таъминотини келгуси йилда 60 фоизга етказиш, 6 минг километр ички йўللар ва кўприкларни таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маҳаллаларда мактабгача таълим муассасаси ва поликлиникалар қуриш, уй-жойга муҳтож аҳолининг шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

— Инсон қадрини, деган тамойил асосида ишлаб, ҳамма нарсани халқнинг муаммоларидан келиб чиқиб амалга оширамиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Инвестиция дастурида маҳалланинг улуши бўлиши керак. Буни халқ билан маслаҳатлашиб, ҳокимлар тақлиф беради, маҳаллий

кенгашлар бажарилишини назорат қилади. Охириги беш йилда кўп жойларда саноат ривожланди. Энди инвестицияни энг оғир маҳаллаларга йўналтириш, уларни яхшилаш керак.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари қайси маҳаллаларда ишсизлик кўпу қайсиларида инфратузилма муаммоси борлиги, қандай тажрибаларни оммалаштириш зарурлиги ҳақида тақлифларини билдирди.

Улар асосида Қашқадарёда тадбиркорликни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун 2023 йилда республика бюджетидеда 685 миллиард сўм назарда тутилиши таъкидланди.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” доирасида вилоят маҳаллаларига 135 миллиард сўм, яна 670 та лойиҳани амалга оширишга қўшимча 265 миллиард сўм ажратилиши айтилди.

Бундан ташқари, 2023 ва 2024 йилларда ичимлик сув ва автомобиль йўллари лойиҳаларига қўшимча 410 миллион доллар жалб қилиш бўйича топширик берилди.

Йил якунигача, шу тартибда, барча вилоят ҳокимлари ҳисоботи кўриб чиқилиши, келгуси йилги инвестиция дастури шу асосида шакллантирилиши белгиланди.

ЎЗА

### МУНОСАБАТ

## КЕНГ КўЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ИНТИЛИШИ ҚАТЪИЙ ВА ЎЗГАРМАС

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирганда, аввало, муҳим бир омилини таъкидлаш ўринли бўлади. Гап шундаки, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида ҳал этилмаган муаммолар йўқ ҳисоби. Бу том маънода давлатлараро муносиб шерикчилик намунаси дидир.



Албатта, бу натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафтада Туркменистонга расмий ташрифи чоғида таъкидлаганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча

йўналишларда изчил кенгайиб бораётгани замирида минг йиллар давомида ўзбек ва туркман халқлари ёнма-ён яшаб, бир-бирига таянч бўлиб келганининг ҳикмати муҳассам.

▶ Давоми 2-бетда

## ТАЪЛИМ ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ: ФАҚАТ БИЛИМ БЕРИШ ЭМАС, ЎҚУВЧИННИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ҲАМ ЛОЗИМ

Яқинда давлатимиз раҳбари миллий таълим тизимимизда амалга оширилиши кутилаётган ислохотларга алоҳида тўхталиб: “Дарсликлар масаласида ҳам анча муаммо бор экан, унинг ичига кириш керак. Дарсликлар савияси ҳақида катта муҳокамалар бўлди. Финляндиянинг стандарти билан бир хилда 1—4-синфлар учун дарсликлар қиладиган бўлдик. Нимага десангиз, Финляндия халқ таълими Европа миқёсида, умуман, дунёда рақобатта чидамли, кўп тажрибани ўзидан ўтказган”, деган эди.

▶ Давоми 5-бетда

### КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ



## ТАЛАБАЛАРИМИЗ ҲАМ ЎҚИБ, ҲАМ ДАРОМАД ТОПЯПТИ Улардан ота-онаси, айниқса, юртдошларимиз жуда миннатдор

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 29 сентябрь куни Андижон вилоятига ташрифи давомида институтимиз клиникаси билан танишгани олий таълим муассасамиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўша ташрифта клиникаимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид зарур тавсия ва топшириқлар берилди.

▶ Давоми 5-бетда

### ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик муҳим вазифа эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис, кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга устувор эътибор қаратилмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ халқчил тузилма, фидойи, ватанпарвар, билимли ва маънавиятли ходимлар билан шаклланади

Тинчлик — бебаҳо неъмат. У билан давлат тараққиёт сари одимлайди, халқ фаровон, турмуш обод бўлади. Эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари ходимларининг муҳим ўрни бор. Кунин кеча мазкур соҳа ходимлари ўзларининг касб байрамини нишонлади.

▶ Давоми 3-бетда



▶ МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

### ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КўП



Кейинги йилларда миллий манфаат, ҳудудий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Амалий мисол сифатида самарқандлик ишбилармонларнинг деярли барча вилоятларда юздан зиёд корхона очганини, айни пайтда бошқа вилоят тадбиркорларининг корхоналари ҳудудда ишлаб турганини келтириш мумкин. Давлатимиз раҳбари бу жараённи Марказий Осиё давлатлари билан ҳам давом эттириш ташаббусини илгари суряпти. Яъни биз нафақат бир-биримизга маҳсулот сотайлик, балки биргаликдаги лойиҳалар асосида дунё бозорига чиқайлик.

▶ Давоми 4-бетда

## МУНОСАБАТ

КЕНГ КўЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
ЎЗБЕКИСТОН ИНТИЛИШИ ҚАТЪИЙ ВА ЎЗГАРМАС

**Афзал ОРТИҚОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти Администрацияси**  
**хузуридаги Иқтисодий**  
**тадқиқотлар ва ислохотлар**  
**маркази бош илмий ходими**

Бошланиши 1-бетда

Икки мамлакат ўртасидаги бугунги муносабатларда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Сўнги 5 йилда Туркменистоннинг Ўзбекистон умумий савдо ҳажмидаги улуши 2016 йилдаги 0,9 фоиздан 2021 йилда 2,1 фоизгача, экспортдаги улуши 0,7 фоиздан 1,2 фоизгача, импортдаги улуши эса 1,1 фоиздан 2,8 фоизгача ортди.

2017–2021 йиллар давомида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги савдо ҳажми 902 миллион долларгача етиб, 5 баробар ошди. 2021 йилнинг ўзига 2020 йилга нисбатан салкам 68 фоизга ўсди.

2022 йилнинг январь–август ойларида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 фоизга ўсиб, 533,5 миллион долларни, шундан экспорт 146,5 миллион, импорт 387 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг Туркменистонга экспорти ҳажми ўсиб бормоқда, жорий йилнинг январь–август ойларида экспорт ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,1 фоизга ошди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туркман капиталли иштиракчилик 170 га яқин корхона фаолият кўрсатмоқда, жорий йил бошдан буён 17 та корхона ташкил этилган.

2021 йил октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Туркменистон бизнес форумида “Ўзавтосаноат” ва “Туркменистон-Моторс” ҳамкорлигида Туркменистонда қўшма корхона ташкил этиш бўйича келишувга эришилган бўлиб, инвестициялар ҳажми 10 миллион

долларгача етиши кутилмоқда. Келишувга кўра, биринчи босқичда йилга 5 минг донга энгил автомобиль, келгусида эса қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва автобуслар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Шу билан бирга, томонлар икки мамлакатда тайёр тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалар сонини сезиларли даражада ошириш ниятида.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида Бухорода ўтказилган биринчи Худудлараро форумнинг муваффақиятли яқунлари фойдаланилмаётган улкан салоҳият мавжудлигини намоён этди. Натижада умумий қиймати 450 миллион доллардан ортиқ бўлган шартнома ва келишувлар имзоланди.

Президентимизнинг ўтган ҳафтада Туркменистонга расмий ташрифи доирасида икки давлат раҳбарлари Стратегик шерикликини чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзолади. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзолангани ҳам тарихий алоқаларнинг янги босқичига ўтилаётганидан хайрли муваффақият.

Келгусида икки томонлама савдо айланмасини оширишга қаратилган Чегарасида савдо зонаси қурилиши, шунингдек, энг истиқболли лойиҳаларни илгари суриш учун қўшма лойиҳа офиси ташкил этилиши Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази мутахассислари фикрича, Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодиёти бир-бирини тўлдирди, бунга ўзaro товар айирбошлашнинг ўсиш суръатлари ҳам тасдиқлайди. Шунга қарамай, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг мавжуд салоҳияти ҳали тўлиқ рўёбга чиқарилмаган. Ўзбекистон туркман бозорига Туркменистон учинчи давлатлардан импорт қиладиган тайёр маҳсулотлар, жумладан, маиший техника, дори воситалари, энгил санонат маҳсулотлари, айрим турдаги транспорт воситалари ва бошқа товарларни экспорт қилиш ҳажмини ошириши мумкин.

Ўз навбатида, Ўзбекистон белгиланган нархларда газ етказиб беришни кафолатлайдиган узоқ мuddатли шартномалар асосида Туркменистондан табиий газ импортини амалга ошириши кутилмоқда. Ўзбекистонда газ истеъмоли ортиб бораётгани ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун углеводородларни қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилаётгани ҳисобга олинса, бу зарур газ ҳажмини кафолатланган ҳолда олишни таъминлашга ёрдам беради.

Эркин савдо режимидаги истиснолар рўйхатини қисқартириш орқали савдо тўсиқларини

камайтириш ҳам ўзаро савдо ҳажмининг ошишига хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Туркменистон кооперация алоқаларини янада кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат санвати, тўқимачилик ва тикувчилик соҳалари, кимё ва нефть-кимё санвати, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда қайта ишлаш қўшма корхоналарини ташкил этишдан ҳам манфаатдор. Хусусан, нефть-газ соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, жумладан, Туркменистон худудидаги газ конларини биргаликда ўзлаштириш ва трансчегаравий газ қуварларини қуриш масаласи ҳам қўриб чиқилиши мумкин.

Бунда 2022–2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва санонат кооперациясини ривожлантиришнинг ўрта мuddатли дастури автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика, озиқ-овқат санвати ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Томонлар минтақа давлатларининг ноёб

марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашда давом этмоқда.

Туркменистон жанубга транспорт йўналишларини шакллантиришда муҳим ҳамкор ҳисобланади. Ҳозирда қўшни давлат савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида мультимодал транспорт ва транзит йўлақларини шакллантириш устида ишламоқда.

“Шарқ — Ғарб” йўлагининг “Туркманбоши — Ашхобод — Туркманобод” қисми (1,18 минг километр) асосий темир йўл алоқа линияларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг темир йўллари туташиши. Ушбу мамлакат худудидан халқaro транспорт йўлақларининг ажралмас қисми бўлган “Туркманбоши — Ашхобод — Марям — Туркманобод — Ғароб — Ўзбекистон давлат чегараси”, “Ашхобод — Тошовуз”, “Ашхобод — Гаудан”, “Туркманбоши — Бекдош” ва “Сердар — Гудриолум” автомобиль йўллари ўтади. Ўз навбатида, минтақадаги давлатлар билан биргаликдаги саяё-ҳаракатлар самарасида янги мультимодал транспорт йўналишлари, жумладан, “Осиё — Тинч океани

юк ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш имкониятини бериши. Бу кўприклар ўзбек юк ва йўловчи ташувчиларини Туркменистон орқали Эроннинг Бандар-Аббос портига элтадиган темир йўлга, шунингдек, Амударёдан Туркияга борадиган автомобиль магистралларга олиб чиқади.

Энергия ресурсларини транзит қилиш бўйича ҳам ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. “Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой” газ қувурининг навбатдаги лойиҳаси амалга оширилмоқда. Янги қурилаётган қувур орқали туркман газини Хитойга етказиб бериш йўлига жами 65 миллиард метр кубни ташкил қилади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон орқали туркман табиий газини транзитини қўшимча 25 миллиард метр кубга оширади.

Шундай қилиб, икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик йўналишлари қўллаб соҳаларни қамраб олиши ва уларнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади. Бу ҳар икки мамлакат узоқ мuddатли тараққиёт стратегиялари — 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва 2022–2052 йилларда Туркменистонини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш миллий дастурини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Туркменистон Ўзбекистон учун минтақадаги ишончли ва асосий ҳамкор эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Расмий Тошкент Ашхобод билан кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва энг яқин қўшни сифатида стратегик шериклики ҳар томонлама мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Президентимизнинг Туркменистонга ташрифи икки мамлакат ҳамкорлигининг истиқболларини белгилаб беришга ҳамда савдо-иқтисодий, транспорт ва транзит алоқаларини ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, санонат кооперациясини лойиҳаларини амалга оширишга янги суръат бағишлашга қаратилган.

Ташриф чоғида Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг адолатли тизимини ривожлантиришда сув-энергетика соҳасидаги барча масалаларни ҳал қилишга ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланди. Ушбу позиция трансчегаравий дарёларда янги гидротехник ишоотлар барпо этишни халқaro ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ ва минтақамиздаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни ҳам назарда тутди.

Президентимиз таъкидлаганидек, кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришда Ўзбекистон интилиши қатъий ва ўзгармас. Шу маънода, ташриф натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш, турли соҳаларда кооперацияни кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшади. Эришилган келишувлар, ўз навбатида, халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш йўлидаги салоҳиятнинг рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ТАЪСИРЧАН ВА САМАРАЛИ УСУЛИ

Амударё тумани “Хитой” овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Баҳодир Ялғашов “Ёшлар дафтари”га киритилган эди. Унга ёзда кўллаб ёшлар қатори ғалладан бўшаган жойдан 25 сотих ер ажратиб берилди ва техникадан ёрдам кўрсатилди. Баҳодир бугун ушбу экин майдонларида полиз маҳсулотлари етиштириб, оиласи даромади ошишига, дастурхони тўқин бўлишига ҳисса қўшмоқда.

— Фарғона давлат университети сиртки бўлими 3-босқич талабасиман, — дейди Баҳодир. — Бизга ажратиб берилган ердан мавсум давомида камида 15–20 миллион сўм даромад қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда топган даромадимдан ўқиманин шартнома пулини тўладим.

Туманининг “Холимбег” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Навбахор Бобоҷонова ишсиз эди. “Аёллар дафтари”га киритилгандан сўнг унга ҳам ер ажратилиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириши ва даромад топишига ёрдам кўрсатилди. Бу ёрдамдан хурсанд Навбахор келаси йили яна ҳам кўпроқ ер олиб меҳнат қилмоқчи.

Бу йил Амударё туманида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган Баҳодир ҳамда Навбахор сингари 1544 нафар ёшга қишлоқ ҳўжалиги ерлари электрон танлов асосида ажратиб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 сентябрдаги “Деҳқон ҳўжалиқларини ташкил этиш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда аграр соҳада аҳолининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг даромадини ошириш йўллари кўрсатиб берилган. Шунингдек, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили таъминлаш бўйича катта имкониятлар яратилди. — дейди Амударё тумани фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши етакчи мутахассиси Соҳиба Бердибоева. — Қарорга асосан, дафтларларга киритилган аҳолига деҳқон ҳўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали ижарага берилганда, улар дафтларлардан чиқарилмайди ва қонунчилиқда белгиланган барча имтиёз ҳамда преференциялар бир йил мuddатга сақлаб қолинади.

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришда деҳқон ҳўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги



“Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида Амударё туманида “Е-Аукцион” электрон савдо майдончаси орқали ерни ижарага бериш жорий йилнинг январь ойдан бошлаб тўлиқ йўлга қўйилган.

— 2022 йил сентябрь ҳолатига кўра, туманимизнинг ҳокимлик захирасидан жами 891,33 гектар ер ўртача 20–25 сотихдан 3501 та лот билан электрон танловга чиқарилди. Шундан 2877 та лот бўйича 2877 фуқаро ғолиб топилди. Ҳозирги кунда ишсиз, деҳқон ҳўжалигини ташкил қилиш истиғида юрган, лекин ер олишга имкони бўлмаган ва

мамлакатлари — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа” йўналиши ишга туширилди. Бу йўл минтақамизни Европа ва Форс кўрфази, МДҲ ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳам боғлайди. Европадан олиб келинадиган ёки Европада олиб бориладиган товарлар белгиланган жойга қараб 10 ва 20 кун оралиғида етказиб берилиши мумкин.

Қурилиш давом этаётган “Ашхобод — Туркманобод” тезорар автомобиль магистралли (узунлиги тахминан 600 километр) “Туркманбоши — Ашхобод” автомобиль йўлининг биз томон йўналтирилган қисми бўлиб, Ўзбекистонни Туркманбоши денгиз порти билан боғлайди. 2021 йил октябрда ушбу йўлнинг “Ашхобод — Тежен” қисми расмий очилган. Шу йилнинг декабрида иккинчи қисми — “Тежен — Мари” линияси ва 2023 йил декабрда “Мари — Туркманобод” қисми фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Туркменистонга илк ташрифи чоғида “Туркманобод — Ғароб” янги темир йўл ва автомобиль кўприқлари очилишида иштирок этган эди. Мазкур кўприклар “Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон” транспорт-транзит йўналишининг муҳим қисми бўлиб,

ижтимоий дафтларга киритилган 1544 фуқарога қишлоқ ҳўжалиги ерлари электрон танлов асосида ажратиб берилмоқда, — дейди Соҳиба Бердибоева. — Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида Амударё тумани бўйича 2242 фуқарога 45,9 миллион сўм кредит ажратилди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасига тегишли 986 та йўналишга 24 813 миллион сўм, жумладан, лимончилик йўналишига 8 та, полизчилик йўналишига 9 та, иссиқхона йўналишига 741 та, минерал ўнитлар йўналишига 96 та ва узумчилик йўналишига 132 та кредит берилди.

Сўнги йилларда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида

изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Лекин Қорақалпоғистоннинг айрим худудларида сув таъминоти муаммолигича қолаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муаммони ҳал этиш йўлида катта қадам бўлди. Бу ҳужжатга асосан, сув таъминоти огир худудларда деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ерни сўғориш учун чуқурлиги 5 метрдан ортиқ бўлган ҳар бир вертикаль сўғориш кудугини бургулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилади. Яъни Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кудуқнинг ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган миқдорда субсидиялар ажратилади. Бундан ташқари, фармонга кўра, фермер ҳўжалиқлари ва кластерлар фойдаланаётган пахта ва ғалладан қисқартириладиган, аҳоли пултигига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган худудлардан захирга қайтарилган ер майдонларини деҳқон ҳўжалигини ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга, истисно тариқасида, 2 гектаргача бўлган ўлчамларда очик электрон танлов орқали 30 йилга ижарага бериш тартиби тасдиқланди.

— Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баробар, гилосдан 6 баробар, ёнғондан 5 баробар кўп даромад оلسа бўлади. Шу боис, энди ажратиб берилган ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, сабзавотчилик, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш орқали турли дафтларларда рўйхатда турган эҳтиёжман оилаларнинг бандлигини таъминлаш имкониятлари яратилди. — дейди Амударё тумани фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Илҳом Полвонов. — Бу йил ер берилган ёшларимиз орасидан тажрибали ва ташаббускорларини аниқлаб, уларга келгуси йилларда туман захира ер фонди ҳисобидан ер ажратиб, фермер ҳўжалиги ташкил қилиш учун ўтказиладиган тендерда иштирок этишга ҳам жалб қиламиз, даромадини оширишга кўмаклашамиз. Жорий йилда туманимиздаги ишсиз, кам таъминланган оилалар, ташки меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслардан 100 нафарига аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан 270 миллион сўм субсидия ажратилиб, иссиқхоналар қуриб берилди.

Қорақалпоғистонда юқоридаги фармон ва қарорлар ижросини таъминлашга барча кучлар сафарбар қилинган. Халқни рози қилиш, аҳоли эртага эмас, бугун яхши яшаш учун барча имкониятларни яшаш юналиши.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

## Халқчил тузилма, фидойи, ватанпарвар, билимли ва маънавиятли ходимлар билан шаклланади

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлидаги масъулиятли ва шарафли хизмат вазифасини сўқидилдан бажариб келаётган ички ишлар органлари ходимлари, вазирлик тизимидаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, яшаш ва хизмат вазифаларини ўташи учун муносиб ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, соҳа ходимлари кўп йиллик самарали меҳнати, халқимиз осойишталиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Соҳада амалга оширилган тизимли чоратadbirlar натижасида ўтган қисқа даврда Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари — Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр, халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячиларига айланаётир.

25 октябрда Ички ишлар вазирлиги маданият саройида ички ишлар органлари ходимлари кўнига бағишланган тантанали байрам тадбирида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига давлатимиз раҳбари табригини Президент маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимиз табригида **“Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сизларни ўз ҳаётини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек олижаноб ишга бағишлаган, муқаддас қасамёдига содиқ инсонлар деб билади ва машаққатли хизматингизни муносиб эътироф этади”**, дея таъкидлаганидек, бугунги кунда тизим ходимлари том маънода олий мақсадларимизга эришиш йўлида ҳақиқий посбон вазифасини ўтамоқда. Бу жиҳатлар жамиятимизнинг янги қиёфасига асос солиб, ислохотларимиз самардорлиги ва барқарор ривожланишимизни таъминлашга хизмат қилапти.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобоқонов, Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев, спортни ривожлантириш вазири Аҳмад Икромов ва бошқалар соҳа ходимларини табриклади.

Тантанали тадбир таниқли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар билан давом этди.

**ДИЛ ИЗҲОРИ**

**Жобирхон СОБИТОВ,**  
Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими, “Жасорат” медали соҳиби:

— Аввало, бугунги касб байрамини билан барча ҳамкасбларимизни табриклаймиз. Шу шарафли кунда Президентимизнинг фармонида кўра, “Жасорат” медали билан тақдирландим. Давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимлари ва фахрийларига йўллаган табриги эса бизни янада руҳлантириб юборди.

Бугун юртдошларимиз Президентимиз раҳбарлигида халқчил ва демократик тамойилларга асосланган Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида катта мақсадларга эришмоқда. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни амалда қарор топтириш йўлида барча жабҳаларда кенг қамровли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Бунинг амалий натижаларига ҳаммамиз биргаликда гувоҳимиз.

Мен 18 йилдан буён шу соҳада хизмат қиламан. Бундан 6-7 йил олдинги даврларни яхши эслайман. Уша пайт-

## Ички ишлар органи ходимига нисбатан муносабат ўзгарди — халқ билан бирликка, уйғунликка эришилди



лари одамлар ички ишлар органларига нисбатан жазоловчи идора сифатида қараб, формали ходимлардан иложи борича ўзини олиб қочишга ҳаракат

қилар, мулоқотга киришмасди. Биз, ходимлар учун яратилган шароитни-ку айтмай қўя қолай. На уй-жой, на хизмат машинаси, на ойлик маош кўнгилдагидек эди.

Ҳозир-чи? Энди ходимларимиз фуқаролар билан мулоқотга киришганда касб маданиятига риоя этиб, хушмуомалалик билан муносабат қилиш оддий ҳолга айланди. Энг муҳими, тизим ходимларининг маънавияти юксалди, дунёқараши тубдан ўзгарди. Бугун фуқаролар ички ишлар органлари ходимидан ўзларига керакли маълумотларни бемалол сўрашдан, турли масалаларда маслаҳат олишдан ҳайикмайди ҳам, тортинмайди ҳам.

Аксинча, юртдошларимиз бизни ўзига кўмакчи сифатида яқин олиб, муаммолари қонуний ҳал этилишида ёрдам сўраётгани кувонарлидир. Ҳа, бугунги ички ишлар органлари халқпарвар тузилмага, осойишталик посбонлари эса том маънода халқ хизматқорига айланди.

**Аслитдин УМАРОВ,**  
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизмати сафдор ходими, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби:

— Бугун ҳаётимдаги энг унутилмас кун. Президентимизнинг кўни кеча имзоланган “Ички ишлар органлари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида биноан давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Албатта, бу мен учун юксак шараф. Шу билан бирга, катта масъулият ҳамдир.

Президентимизнинг касб байраминиз муносабати билан йўллаган табригида, **“Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини учун” деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислохотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходим-**



лари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда”, деган сўзлари менга катта фахр бағишлади.

Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизматида ҳам катта ўзгаришлар бўлди.

Мен шу соҳада 27 йилдан буён фаолият олиб бораман. Шунинг учун кейинги йилларда соҳада бўлаётган ўзгаришлар янада катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда. Хусусан, патруль-пост хизматида фаолият олиб бораётган ходимларга берилган янги автомобиллар инспекторларнинг кундалик хизмати учун керак бўлган барча зарур алоқа воситалари ҳамда ташқи ва салон ичини доимий тасвирга олишга мўлжалланган кузатув камералари билан жиҳозланган. Бу эса хизмат вазифасини ўташда жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, ички ишлар органлари халқимиз ишончини тўла оқлайдиган адолатли тузилмага айланмоқда. Тизимдаги ислохотлар замиридаги мақсад эл-юртнинг ишончи ва меҳрини қозongan, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш, “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг асосий мезонига айлантириш ҳамда жамиятимизда “Қону ва адолат устуворлиги, жиноятга жазо муқаррарлиги” принципини қарор топтиришга хизмат қилишдир.

**Маҳфуза СИРОЖОВА,**  
Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби:

— Ички ишлар тизимида ишлаш, айниқса, хотин-қизлар учун масъулиятли, шу билан бирга, шарафлидир. Кувонарлик, мамлакатимизда кўпгаб хотин-қизлар юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, қонуinchиликни мустаҳкамлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Бугун вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммоларни самарали ҳал қилишда аёлларнинг алоҳида ўрни бор.

Хизматимиз давомида кўпгаб мураккаб ва мушкул муаммолар билан юзма-юз келамиз. Уларнинг ечим, албатта, бизнинг малакамиз, тажрибамизга боғлиқ. Чиноз туманида Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси жойлашган. Мазкур муассасада тарбияланаётган қизларнинг ҳар бири билан яқка тартибда ишлаймиз. Қизлар билан ҳам, ота-оналар билан ҳам алоҳида суҳбатлар олиб борилади. Уларнинг ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Яраштириш, ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Қизларнинг руҳиятини ўрганиш ва шу орқали уларнинг келажакка интилишини, ишончини маълум даражада юксалтириш — асосий мақсадларимиздан бири. Улар ўзларига керакли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб кетса, биз масъулиятли ишимизни ундамиз, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Аёл кишининг ички ишлар соҳасида фаолият олиб боришида оиласи муҳим ўрин тутаяди. Соҳада ишлаётганимга салкам 20 йил бўлди. Шу вақт мобайнида ота-онам ва қайнонам касбимга ҳурмат билан қаради. Турмуш ўртоғим ортопед-травматолог, унинг кўпгаб-куватловли, ишончи катта мадад бўлди. Бугун Президентимиз фармонида кўра, юксак мукофот билан тақдирланган эканман, шундай хулосага келдим: жамиятда аёл бир ютуққа эришар экан, унинг ортида оиласининг ишончи ҳамда давлатнинг кўмаги ва эътибори туради.



**Зияуатдин ЗАЙТОВ,**  
Нукус шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник:

— Вазирлигимиз томонидан ўтказилган танловда “Энг яхши ички ишлар органи бошлиғи” номинациясида 1-ўринни кўлга киритдик ҳамда 80 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирландик.

Биз соҳадаги ҳар бир ишни бирга амалга оширдик, бирга ҳаракат қилдик. Тан олийш керак, авваллари ички ишлар органлари тизимида салбий амалиёт сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш эмас, балки унинг оқибати билан курашиш, пастдаги муаммони ўрганмасдан, тепадан буйруқ кутиш, фуқароларни қийнаётган масалаларни билмаслик ҳолатлари мавжуд эди. Бундай ахвол кўпчилигини ҳақли эътирозларига сабаб бўларди.

Бугунги халқчил ислохотлар натижасида ички ишлар органи ходимларига нисбатан муносабат ўзгарди, халқ билан бирликка, уйғунликка эришилди. Ҳатто раҳбарлар томонидан фуқаролар билан мулоқот ўтказиш, жиноятларни маҳаллаларнинг ўзида муҳокама қилиш, энг чекка ҳудудларга бориб, аҳолининг дардини эшитиш, муаммоларини ўрганиш мумкин бўлди. Ички ишлар органларида амалга оширилган ислохотлар давомида ҳар бир фуқаронинг мушкулни осон қилиш, шу жумладан, ички ишлар органлари томонидан аҳолига қулай ва ортиқча сарсонгарчиликсиз давлат хизматларини кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳақи соҳада қиладиган ишларимиз кўп.

Бугун байрам тантанасида Президентимизнинг ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Табрикда таъкидланганидек, мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, кейинги йилларда орттирган тажрибамиздан, илғор хорижий ютуқлардан фойдаланган ҳолда соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтариш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Бу мамлакатимизга, халқимизга хизмат қилишда бизга масъулият юклав билан бир қаторда рағбат ҳам беради. Жамоат тартибини сақлашда, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш йўлида астойдил хизмат қиламиз. Биз бу мукофотни ўз меҳнатимиз, садоқатимиз билан оқлаймиз.



**Наргиза МУЛЛАЖОНОВА,**  
ИИБ Ахборот-ресурс маркази бошлиғи, подполковник:

— Президентимизнинг 25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари кўни муносабати билан йўллаган табригини катта ҳаёжон билан тингладик. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори ички ишлар органлари ҳам гоят шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди. Айниқса, Президентимиз раҳбарлигида ички ишлар органларида кенг қўламли ва пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилди.

Ички ишлар органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бирга, ходимларнинг маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Қайд этиш жоизки, ички ишлар органлари ходимлари ўртасида мутлола маданиятини юксалтириш, тизимда китобхонликни кенг тарғиб қилиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлигимизда китобхонлик маданиятини тубдан ислоҳ қилишда Ахборот-ресурс маркази фаолиятини ривожлантиришнинг зарурати яққол намоён бўлди. Шу боис, вазирлик ходимларини ахборот билан тўлиқ таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган кутубхона хизматини кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга бошланди.

Айни пайтда Ички ишлар вазирлиги тизимида 154 та кутубхона мавжуд. Булардан ташқари, 160 та китоб бурчаги, 23 мингдан ортиқ ходимнинг шахсий кутубхонаси бор. Вазирлик ва идора тизимидаги кутубхоналарнинг умумий китоб фонди 776 мингдан ортиқни ташкил этади.



Мавжуд кутубхоналарга кейинги икки йилда 1 миллиард 867 миллион сўмлик 187 турдаги китоб харид қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020–2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан ички ишлар органлари ходимлари ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати тасдиқланди. Ушбу адабиётларни кенг тарғиб қилиш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтларида китобларнинг электрон ва аудио форматлари жойлаштириб борилмоқда.

ИИБ Ахборот-ресурс марказида ходимларга қўлайлик яратиш мақсадида электрон кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Унда 120 мингдан ортиқ китобнинг электрон шакли мавжуд. Электрон кутубхоналар 620 дона замонавий мониторлик компьютер билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг барчаси интернет тармоғига уланган.

Шунингдек, тизим фаолияти ва тарихини ёритувчи 24 номдаги китоб яратилиб, нашрдан чиқарилди. Шу билан бирга, ички ишлар органларининг “Энг яхши маънавият ва маърифат хонаси”, “Энг яхши китобхона”, “Энг яхши кутубхона” ва “Энг фаол фахрий ходим” кўрик-танловлари ташкил этиляпти.

Тизимда маънавий-маърифий ишларни кучайтириш мақсадида ички ишлар вазирлигининг фармойишига асосан 1 апрелдан 1 майга “Маънавият ойлиги” ўтказилди. Ходимларимиз ойлик давомида “Маънавият маршрути” лойиҳаси доирасида маданият объектлари, музей ва зиёратгоҳларга боришди.

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ҲАМЖИҶАТЛИКДА  
ҲИҚМАТ КҮП

Йиғинлари учун янги бинолар қуриб берилди. Кердер маҳалла маркази биноси реконструкция қилинди. Ушбу ва бошқа овулларда спорт майдончалари, минифутбол стадионлари барпо этилди.

Туман марказидаги 56 оила яшайдиган 4 та икки қаватли уйнинг том қисми таъмирланди. Кўтанкўп маҳалласини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 3 та янги насос ўрнатилди. Электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш учун 10 та трансформатор янгиланди. Маҳалла-лардаги кам таъминланган, ижтимоий дафтарларда рўйхатда турадиган ва ишсиз фуқароларга мотокультиватор ва ишлаб даромад қилиш мумкин бўлган бошқа воситалар, 10 минг туп мевали дарахт кучати, 200 хонадонга 6 мингта парранда, 20 хонадонга 80 бош эчки, ўн хонадонга 10 та инкубатор тарқатилди. Бундан ташқари, 200 хонадонда иссиқхона қурилди.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Тадбиркорлар, мутахассислар томонидан бу ускуналарни ишлатиш ва ишбилармонликни йўлга қўйиш бўйича амалий семинарлар ўтказилди.

Турли байрам тадбирлари муносабати билан 400 та эҳтиёжманд оилага газ плитаси ҳамда электро печ, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ёзги таътил мавсумида нукуслик 100 нафар ўқувчи Ўرғут туманида жойлашган "Чорчино" болалар соғломлаштириш оромоғида дам олди. Туман нурунийларининг Самарқанд шаҳрига саёхати ташкил этилди.

Вилоят тадбиркорлари томонидан 2022-2023 йилларда Нукус туманида умумий қиймати 368 миллиард сўмлик 27 та лойиҳани амалга ошириш ва 1520 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилиб, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ил бошидан буён Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов ва унинг тегишли ўринбосарлари, ташкилот раҳбарлари, мутахассислар Нукус туманида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар ижро мuddатини, сифатини, яратилаётган шароитларни доимий назорат қилиб турди. Вазифалар ижроси онлайн муҳокама қилиб борилди, масалаларни ўз вақтида ҳал этиш чоралари қўрилди.

Албатта, давлатимиз раҳбари давъатида муносиб жавоб ва амалий сафарбарлик ўз натижасини берди. Шу сабабли, яқинда Самарқанд вилояти жамоатчилиги вакиллари Нукус туманига ўзгача кайфият билан борди. Зеро, бу кайфият аҳолининг миннатдорлик туйғуси билан қўшилиб, чинакам байрамга айланиб кетди.

Дам олиш — ҳам маданият,  
ҳам ҳордиқ чиқариш

Ишдан кейин ёки дам олиш кунлари оила билан биргаликда хибобларда ҳордиқ чиқаришга нима етсин!? Бироқ айрим ҳудудлар гарчи тижорий жиҳатдан раванқ топан бўлса-да, дам олиш масканлари эътибордан четда қолган. Нукус туманида ҳам яқин пайтгача шу ҳолни қузатиш мумкин эди.

Шунинг учун самарқандлик тадбиркорлар, аниқроғи, "Нури келажак ишонч сервис" масъулияти чекланган жамияти туман марказида хараба ҳолга келган, 6,5 гектар ҳудудни эгаллаган Хотира майдонида хайрли ишга киришди. 7,2 миллиард сўм сарфланиб, Ҳасратли она ёдгорлиги, унинг атрофида аҳоли дам оладиган маскан яратилди.

Мехмонлар ва мезбонларнинг янги объектлар билан танишуви ана шу майдондан бошланди.

Маърифат дунёни тушунишга  
ургатади

Алломалимиз бизга китоб ўқиш, мутлоала-нинг аҳамиятини кўп бор тушунтирган. Зеро, маърифат ҳамиша инсонни эзгуликка қорлайди. Қолаверса, Самарқанд маърифати дунёга намуна бўлган. Шу сабабли, Оқманит шаҳарча фуқаролар йиғини янги биноси ҳамда унинг ёнида замонавий ахборот-кўтубхона маркази очилиши бу заминга Самарқанд маърифати руҳини олиб келди.

— Шу пайтгача эски, етарли шароит бўлмаган бинода ишлардик, — дейди Оқманит шаҳарча фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Холбой Утеганов. — Самарқандлик дўстларимиз томонидан 3,5 миллиард сўм сарфланиб қурилган янги бинода ишлашимиз учун барча қулайликлар бор. Кўтубхона очилгани шаҳарчамиз ахли, айниқса, ёшлар учун яхши соғва бўлди.

"Бақаншақли" овул фуқаролар йиғини учун "Жомбой яшил чироклари" МЧЖ томонидан 1,5 миллиард сўм сарфланиб бунёд этилган бинода ҳам овул ходимлари ва аҳоли учун зарур шароит яратилган. Хоналар зарур меъба ва бошқа жиҳазлар билан таъминланган. Бу ерда ҳам каттагина маърифат хонаси ташкил этилиб, бадий китоблар билан бойитилди.

Маҳалладаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари давомида 2 ва 15-умумтаълим мактаблари учун қўшимча сифноҳлар қуриб берилди. Мактаб кутубхонасига жаҳон классиклари, Ўзбекистоннинг таникли арбоблари ва қорақалпоқ ёзувчиларининг китоблари ҳадя қилинди.

— Самарқандликларнинг овулимиздаги бунёд-корлик ишларидан, аҳолига кўрсатаятган ёрдамидан жуда ўрсандимиз, — дейди маҳалла фахрийси Даметкен Тожиждинова. — Мен 74 ёшга кириб, бундай кенг қўламли ишларни кўрмагандим. Бу, аввало, Президентимизнинг қорақалпоқ элига эътибори, гамўрлиги, қолаверса, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлиги натижасидир.

Арбаши маҳалласининг реконструкция қилинган биноси ва янги минифутбол стадиони фойдаланишга топширилганидан маҳаллий зийлилар ва ёшларнинг қувончини таърифлаш қийин. Уша

пайтнинг ўзидаёқ кишлоқ ёшлари янги майдонда мусобақаларни бошлаб юборди.

Самарқандлик тадбиркорлар кўмагида Саманбой маҳалласида очилган "Set Nukus textile" ва Қорантов маҳалласидаги "Aqmangit kamalak invest" тикувчилик корхоналарининг очилиш маросими ҳам чинакам байрамга айланиб кетди. Мехмонларга айнан Самарқанддаги корхоналарда билим ва тажриба ортириб келган нукуслик 100 нафардан зиёд ёш ўз меҳнати самарасини намоиш қилди. Ушбу корхоналарга самарқандлик тадбиркорларнинг 40 миллиард сўмдан ортиқ инвестицияси жалб этилди.

Бундай янгилишни жараёнлари Тўқтов овулида ҳам амалга оширилди.

— Маҳалламизда 3517 киши яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абелхайир Айтимбетов. — Биномиз эски, кўрimsиз жойда фаолият юритардик. Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани ҳокимлиги ва тадбиркорлари кўмаги билан 1 миллиард 260 миллион сўм эвазига маҳалламиз янги бинога эга бўлди. Бундан ташқари, дўстларимиз кўмаги билан кутубхона ва ўқув маркази очилгани барчамизни бирдек қувонтирди.

Туманда аҳолига кўрсатилмаётган тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетидан 1,1 миллиард сўм ажратилиб, марказий шифохонага урта тез тиббий ёрдам машинаси ва зарур анжомлар олиб берилди. Самарқандлик малакали шифокорлар томонидан туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида тиббий кўрик ташкил этилиб, 13 беморда юқори технологик жарроҳлик амалиёти бажарилди.

— Бизда тиббиёт ускуналари ва тез ёрдам машиналари етишмас эди, — дейди Нукус тумани тиббиёт бirlашмаси бошлиғи Пердегул Емберганава. — Самарқанд вилояти ҳокимлиги ёрдамида бirlашмамизга замонавий тиббиёт ускуналари, 3 та "Дамас" автомашинаси олиб берилди. Ҳозир шифохонамизда барча қулайликлар яратилган, энди беморларга вақтида тиббий ёрдам кўрсата оламиз.

Тадбирлар доирасида Нукусдаги барча маҳалла-ларда Самарқанд вилояти туман ва шаҳарлари, тадбиркорлари томонидан маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга уй-рўзгор буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари, болаларга киши кийимлар соғва қилинди.

## Бу ҳали ҳаммаси эмас

Йил якунига қадар Нукус туманида яна қатор объектларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Жумладан, Кердер маҳалласидаги маданият уйи биноси янгидан қурилади. "Навобод наслли парранда" масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 35 миллиард сўмлик паррандачилик комплекси, "Жасмина фрут кластер" МЧЖ томонидан 6 миллиард сўмлик совиткичи омборхона ташкил этилади. Ўз навбатида, аҳоли ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар давом эттирилади.

Кун давомида ўтказилган тадбирлар, самимий мулоқотларда Самарқанд вилояти ва Нукус тумани ўртасидаги масофа гарчи узоқ бўлса-да, кўнгиллар яқинлиги, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг муштарак тарихи ва дўстлиги туфайли алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани ҳамда янада ривожланиши алоҳида таъкидланди.

— Биз қорақалпоғистонлик дўстларимиз билан яна Нукусда, Самарқандда кўришгуча, деб хайр-лашдик, бу заминга яхши сабаблар билан яна келишни дилимизга туддик, — дейди пастдарғомлик меҳнат фахрийси Амнжон Дарфоров. — Ўз навбатида, нукуслик дўстларимиз Самарқандда, Пастдарғомга таклиф қилдик. Бизнинг ватанимиз бир, ният-мақсадларимиз яқдил, ҳамжиҳатликдаги хайрли ишлардан шу эл-улус фарзандлари баҳраманд бўлади.

## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

## БАХТИ ВА ҚАДРИНИ МЕХНАТДАН ТОПДИ

Кўз тонги анча салқинлаб, пишиқчилик авжига чиққан пайт. Баъзан осмонни булут қоплаб, қиш яқинлашаётганидан оғохлантираётгандек. Бу пайтда деҳқон аҳли борки, эрта саҳардан дала ишларини саранжом қилишга шошилади.

Кенг далада бир киши хиргойи қилганча сув тараб юрибди. Кузги галлангил экилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо вақтида сувини бермаса, мўл ҳосилдан умид қилиб бўлмайдди. Азонда сўғоришининг ўзига хос баракиси бор.

Номозбек қўлида кетмон билан шошганча бугдой экилган ерга яқинлашаркан, майдон ўртасида сув тараб юрган фермер опани илгав, ўзидан ўзи уялиб кетди. Бу сафар ҳам кечикибди. Уч йилдирки, шу опанинг даласида миқроблик қилади. Аммо бирор марта у кишидан олдин далага келишга улгуролмади. Бугун астойдил ҳаракат қилганди, лекин яна гафлатда қолибди.

Қадам товушлари яқинлашаркан, Нодира опа ортига бурилиб, миқроб йиғининг келаётганини кўрди. Қўлидаги кетмонини ювишга киришди. Сув этни жунжиқтирдиган даражада совиди.

— Ассалому алайкум. Ҳорманг, опа, — миқроб йиғининг гапи хижолатомуз чиқди. Кечиканидан хижолат тортаётганини сезган опа меҳнаткаш йиғитни вази-ятдан чиқаришга уринди.

— Ваалайкум ассалом, келинг. Миқроб барибир миқроб-да, ўзингиз эпламасангиз унча ўқувим келмади... Бу тарафи даярли сўғориб бўлинди, бир оздан сўнг

Ташвишу танбехлардан  
устун туриш керак...

нариги томонга бошқарсангиз бўлади, — дея опа қўли билан майдоннинг чап томонини кўрсатди. Узи эса галла экилган ердан пахта майдони томон йўл олди. Бу маҳал тонг ериша бошлаган эди.

Кенг майдонда оппоқ бўлиб очилган пахталарни кўриб яна ҳам қувонди. Ғузлар оралаб, ўзича ҳосилни чамалашга тушди. Шарнома режасини бажаришга оз қолди. Иккинчи теримда ортини билан бажаришга ишонди.

Когондан Касбига келин бўлиб келганида Нодира Курбонова анчагина ёш эди. Турмуш ўрғинининг суяғи далада қотган. Тиришқоқ инсон. Тез орада оилага мослашиб, томорқасида деҳқончиликни йўлга қўйди. Қисқа фурсатда хонадонга файз киритди. Яхши одат тез қулоч ёзади, деганларидек чаққон

келиннинг меҳнаткашлиги қўшчиларга ҳам намуна бўлиб, ҳовлисидаги бўш ётган ерга қараб уялагидан бўлишди. Улар ҳам ерга меҳр қўя бошладди. Бу одат қисқа фурсатда бутун Пандирон маҳалласига тарқалди.

Нодира опа бахти ва қадрини меҳнатдан қидирди. Астойдил ишлаб, элга нафи тега бошлади. Одамларнинг олқишу дуосини олди. Топганига шукр қилиб, фарзандларининг яхши билим олишига интилди. Шу орада ҳудудларда фермер хўжаликлари ташкил этила бошладди. Бу эса Нодира опа учун жуда кўл келди. Теъза ишга киришиб, тўнғич ўғли номига "Яратов Илҳом Алхамович" номли фермер хўжалиги очиб, ўзларига ажратилган ерда ишлай бошладди. Лекин фермерликни юритишнинг ўзи бўлмади. Айниқса, пахта экиб, боши балодан чиқмай қолди.

Еш фермер эмасми, биринчи йилнинг ўзида бир амаллаб режани бажарган бўлса-да, аммо ҳар кун мажлисбозлик, тун ярига қадар ҳисобот топшириш каби бошорғиқлар ортса-ордики, каймайди. Ҳар мавсумни юрак ҳовучлаб ўтказадиган бўлди. Гоҳида барчасига қўл силтаб, ташлаб кетгиси келди. Аммо ғурури йўл қўймади. Даласидан воз кечгиси келмади. Сабрга таяниб, иш юритишнинг ўзига одат қилди.

Бир кун келиб фермерлар ҳам кадр топшини, уларнинг хизмати ҳам эъти-роф этилишини умид билан кутди. Кўп

бора пахта учун эшитган танбехларини эшитмасликка олди. Шундай бўлса-да, бирор марта пахта ва галла режасини бажармасдан қолмади. Ҳамиша туманда илғорлар қаторидан жой олди. Аммо бир бора раҳмат эшитмади.

## Бугунги кунлар бошқача

Нодира опанинг орзулари ушалди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятининг илк даврларидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, янада эркинлаштириш, уларнинг тараққиётига ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлашни асосий вазифаларидан бири сифатида белгилади. Ушбу соҳани такомиллаштириш ҳамда қулайликлар яратиш борасида бир қатор фармон ва қарорлар эълон қилинди. Бу эса Нодира опа каби астойдил меҳнат қилаётганлар учун айна муддао бўлди.

Ҳўжаликда ўтган йиллар давомида ҳосилдорлик ортиб, йиллик даромад ҳам ошиб борди. Жумладан, 2021 йилда галла кластери билан шарнома имзоланиб, 60 гектар майдонга экилган бугдойдан 500 тоннага яқин ҳосил олинди. Пахта кластери билан белгиланган келишувга асосан, 40 гектар ерга экилган ғузадан 150 тоннага яқин ҳосил кўтарилди. Бу йилги галла ўримида эса 30 гектар жойдан 210 тоннадан ортиқ бугдой

йиғштириб олинди. 60 гектар майдонга экилган пахта ҳосилининг чўғи бандан. Ҳозиргача белгиланган режанинг деярли саксон фоизи бажариб бўлинди. Тез орада терим якунига етказилади.

Дарвоқе, Нодира опа давлатимиз раҳбарининг фермер хўжаликлари тармоғини кенгайтириш борасидаги ташаббуси натижасида шу йилдан қўшимча ўн гектар майдонга турли полиз маҳсулотларини ҳам экиб, даромад олишни йўлга қўйди. Шунингдек, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, қуёнчилик йўналишларини ташкил этиб, фермер хўжалигининг даромадини ошириб борди. Олтимшига яқин иш ўрни яратиб, "Авellar дафтар"ида рўйхатда турувчилар бандлигини таъминлади.

— Икки қиз, икки ўғлим бор, — дейди Нодира Курбонова. — Шу меҳнатларимиз самарасида фарзандларимнинг барчасини ўқитдик, олий маълумотли қилдик. Уй-жой қуриб, яхши яшаш учун шароит яратдик. Ҳозир ҳар биримиз янги машина бор. Ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Гоҳида мендан оддий кишлоқ ағели бўлиб туриб, бунча нарсага қандай эришингиз, дея сўраб қолишди. Бунинг барчаси, энг аввало, ҳалол меҳнатдан. Юртимизда шунчалик имконият яратиб берилган экан, уллардан фойдаланиб ишланг, дегим келади. Бекор ўтириб, нолиган билан иш битмайди. Оқилона меҳнат қилишни улгулаши, инсон унинг самарасини кўришига ҳаётим мисолида амин бўлиб келяман.

Акбар РАҲМОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ

# ТАЛАБАЛАРИМИЗ ҲАМ ЎҚИБ, ҲАМ ДАРОМАД ТОПЯПТИ

Улардан ота-онаси, айниқса, юртдошларимиз жуда миннатдор



**Мадаминжон МАДАЗИМОВ, Андижон давлат тиббиёт институти ректори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Институтимиз клиникаси 1975 йили қурилган бўлиб, шу кунгача қисман жорий таъмирлаш ишлари бажарилган эди. Ваҳолаки, йилга ўртача тўқсон мингдан ортиқ юртдошимиз мурожаат қиладиган, ўттиз мингдан зиёд бемор стационар тарзда даволанадиган тиббиёт муассасаси учун бу етарли эмас. Қолаверса, Андижон давлат тиббиёт институти талабалари ҳам амалий машғулотлари шу ерда ўтади. Давлатимиз раҳбари бунинг учун клиникада шароит етарли эмаслиги, ҳақиқатан, бинолар эскириб, таъмирталаб бўлиб қолганини таъкидлади. Клиникани тўлиқ реконструкция қилиб, унинг негизда водий аҳолиси учун кардиология, нейрохирургия, кўз касалликлари ва урология бўйича мураккаб операциялар ўтказиладиган тиббиёт марказини ташкил этишга кўрсатма берди.

Президентимиз институт профессор-ўқитувчилари билан суҳбатда "Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун, энг аввало, одамларнинг саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилашнинг керак. Институт ва клиника бу борада катта марказлардан бири бўла олади. Бунинг учун зарур шароитларни яратамиз. Фақат таълим методикасини янгилаш, дунё тиббиётини қўллаётган илгор услубларни татбиқ этиш керак", деди. Шундан сўнг Вазирилар Маҳкамасининг 2021 йил 25 ноябрдаги "Андижон давлат тиббиёт институти ва унинг клиникаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, институт клиникасида мамлакатимизнинг қатор

ихтисослаштирилган нуфузли тиббиёт марказлари филиаллари фаолият бошлаши белгиланди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, нейрохирургия, урология, нефрология ва бўйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказларининг тегишли йўналишлари бўйича юридик шахс бўлмаган филиаллар ташкил этиш ҳамда юқори технологик диагностика ва даволаш усуллари жорий этишга кўрсатма берилди.

Шу билан бирга, Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида бажариладиган ишлар юзасидан аҳолиси кўп ҳудудларда тиббий кўриқлар ўтказилиб, касаллик турлари бўйича даволашнинг янги услубларини амалиётга жорий қилиш вазифаси қўйилди. Бу вазифалар ихтисос доирасида амалий-услувий ёрдам сифатини ошириш ҳамда беморларни тахассислаш ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш учун вилоятдаги 160 та бирламчи даволаш муассасасига институтимизнинг 132 нафар профессор-ўқитувчиси масъул этиб бириктирилди. Битирувчи курс талабалари амалиётини бевосита бирламчи тизимда йўлга қўйиш мақсадида

Шунча одамда ҳаётини соғлом давом эттириш имконияти пайдо бўлди. Бу каби тадбирлар биргина вилоят доирасида эмас, бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилляпти. Жумладан, Андижон давлат тиббиёт институтининг 6 нафар малакали ходими 24 мартдан 3 апрелгача Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманига аҳоли саломатлигини ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида сафарбар қилинди. Сафар давомида улар 784 беморни тиббий куриқдан ўтказди. Жароҳлик амалиётига муҳтож 27 беморни операция қилди.

Институтимизда Покистон, Ҳиндистон, Хитой ва Африка давлатларидан келган 343 талаба таълим олаётгани боис, асосий штатдаги 753 профессор-ўқитувчи барча дарсларни замонавий стандартларга мувофиқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар маъқуллаган ўқув модуллари асосида ўтмоқда. Ушбу жараёни юқори даражада ташкил қилишда институт ва кафедралар ўртасида электрон алоқа ўрнатилгани, хужжатлар алмашинуви яхши йўлга қўйилгани жуда кўп келмоқда.

Жаҳонда шиддат билан кечаётган глобаллашув, таълим, техника ва технологияларнинг кескин ривожини, дунё

тиббиёт институтидан етишиб чиқаётган мутахассислар Янги Ўзбекистонни барпо этувчилар сафида фаол бўла олади. Битирувчи курс талабалари учун ўқув жараёни институтининг умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириши кафедрасида ташкил этилган қишлоқ оилавий тиббиёт пункти, қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника моделларида олиб борилиши таъминланди. Ҳам назарий, ҳам амалий дарсларни вақтида ўзлаштираётган ёшлар оилавий шифокор сифатида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ташаббус Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳам қўллаб-қувватланди. Бундан ҳам ўқиб, ҳам даромад топаётган талабаларимиз қатори уларнинг ота-оналари, айниқса, бемор юртдошларимиз жуда миннатдор.

Президентимиз раислигида шу йил 4 март кунини олий таълим муассасалари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселекторда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида институтимиз битирувчиларининг ўз яшаш ҳудудида ишлаши учун кўмаклашганимиз зоё кетмади. Бу йил институтини тамомалаган 969 талабадан 749 нафари иш билан таъминланди. Бунда уларнинг битирувчи курс амалиётини яшаш ҳудудидаги тиббиёт муассасаларида ўтаб, оила шифокори сифатида иш бошлагани ёрдам берди. Айни пайтда уларнинг бари ушбу тиббиёт муассасаларида фаолиятини давом эттирмоқда.

Талабаларни иш билан таъминлаш ҳаракатини шу билан тўхтатганимиз йўқ. Ҳозир Андижон вилоятида яшовчи битирувчи талабаларимиздан 249 нафари меҳнат шартномаси асосида туман ва шаҳар тиббиёт бirlашмаларига қарашли бирламчи тиббий санитария ёрдами, тез тиббий ёрдам муассасалари ҳамда санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларида ишга жойлаштирилди.

2022/2023 ўқув йилида магистратура ва клиник ординатура йўналишларида тахсил олаётган битирувчилардан 245 нафари мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди ва тиббиёт муассасаларининг тажрибали шифокорлари ҳамда институтининг масъул профессор-ўқитувчиларига устоз-шогирд тизими асосида бириктирилди.

Водийда ягона, мамлакатимизда ўз нуфузига эга тиббиёт институтимизда айна вақтда таълим олаётган 8702 нафар йигит-қиз юртдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом инсонлар сафини кенгайтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофизат қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни тартиб этиш каби эзгу ишларни рўёбга чиқаришни мақсад қилган.




вилоятдаги 160 та тиббиёт муассасасида ўқув хоналари ташкил этилди.

Онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича вилоятнинг 17 та шаҳар ва туманига институтимизнинг онколог ва гематолог мутахассислари масъул этиб бириктирилди. Улар ишлаб чиққан махсус ўқув дастури асосида жойлардаги онколог ва гематологлар малакаси оширилди.

"Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун" саломатлик акциясида мутахассисларимиз фаол иштирок этди. Жараёнда жароҳлиликка муҳтож 154 беморнинг операцияси ўтказилди. Яъни шунча хонадонга умид, ишонч, қувонч қайтди.

ҳамжамияти билан алоқаларнинг чуқурлашуви ёшларни кўпроқ хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини пухта ўрганиши ҳамда компьютер ва интернетдан эркин фойдаланишини таъминлаш бўйича ҳар йили икки марта малака ошириш курси ташкил этилмоқда. Чет эллик олимлар билан телекўприк орқали давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Мутахассисларимиз хорижий ўндан зиёд тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари кўмагида масофавий малака оширмоқда.

Талабалар учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг билим олишига интилишини кўриб, ишонч билан айта оламизки, Андижон давлат



## ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ: ФАҚАТ БИЛИМ БЕРИШ ЭМАС, ЎҚУВЧИНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ҲАМ ЛОЗИМ

Бошланиши 1-бетда

Бу бежиз эмас. Зеро, юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жумладан, сўнгги йилларда Президент мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилиши ана шу янгиликларнинг бошланиши дейиш мумкин. Албатта, бу жараёнда хориж тажрибасини ўрганиш ва уни татбиқ этишда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Навоий вилоятида ҳам тизимли ишлар амалга оширилляпти.

— Айни пайтда финляндиялик мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилияпти. Вилоятимизда бўлган хорижий мутахассис иштирокида маҳаллий педагоглар учун турли семинар-тренинглари, конференциялар ташкил этилди. Бу орқали ўқитувчиларимиз ўз тажрибасини бойитиш имкониятига эга бўлмоқда. Финляндия таълим тизимида ўқувчилар 6-синфгача фақат оғзаки баҳолаб борилади. Ўқувчиларни баҳолаш бўйича биздаги "Kundalik.com" платформаси каби тизим Финляндияда аллақачон жорий этилган. Биз жараёнларда хорижий мутахассислардан ўзимизга мос ва хос жиҳатларнигина ўзлаштириб бораёмиз, — дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси услубчиси Гулмира Саъдуллаева.

Маълумотларга кўра, Финляндия таълимнинг асосий тамойиллари тенглик, индивидуаллик, истиқно эътиборга олиш, йигит-қизларнинг мустақиллигини

ҳабардор бўлиш таълим жараёнининг ажралмас қисмидир. Улар компьютер саводхонлигини асосан ўрта таълим мактабларида ўрганади. Шу билан бирга, ўқувчилар робототехника бўйича ҳам етарли билим ва кўникмага эга бўлади. Албатта, бунинг учун педагоглар ҳам, ўз навбатида, билим ва тажрибасини бойитиб боради.

Сўнгги йилларда навоийлик 15 нафар ўқитувчи дунёнинг таълим сифати кўрсаткичи юқори мамлакатларида бўлиб қайтди. Илгор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ёшларнинг фанга қизиқишини янада оширади. Бу эса, шубҳасиз, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Хусусан, Навоий шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби информатика фани ўқитувчиси Шаҳзода Камолова Жанубий Кореяда малака ошириб келди. — Хорижий мутахассислардан ўрганган жиҳатларни ҳозир фаолиятимизда қўллаялман. Ўз ўрнида, биз ҳам хорижий мутахассисларни мактабимизга таклиф этиб, турли тренинглар ташкил қилаяпти. Албатта, бу ижобий натижа бериб, ўқувчиларимиз вилоят ва республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни кўлга киритмоқда, — дейди Шаҳзода Камолова.

Ўқувчининг дарса қизиқиши, мавзунини ўзлаштириши, фанни ўрганишга иштиёқи ўқитувчи маҳоратига боғлиқ. Яхши педагог биланлари билан чекланмайди, изланади, ўз услубига эга бўлишга



таъминлаш, эркинлик, назарий билимларни амалиётда қўллашдир. Шунингдек, ёшларни спортга жалб этиш, улар орасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ҳам таълим-тарбиянинг муҳим жиҳатларидан.

— Ўзбекистон ва Финляндия таълим тизимида ўхшаш жиҳатлар кўп. Ўқув даргоҳлари бир-бирдан деразли фарқ қилмайдди. Фақат бизнинг мамлакатда ҳар бир 45 дақиқалик дарсдан сўнг кейинги фанга тайёрланиш учун 15 дақиқа танффус берилади. Ўқувчилар машғулотда эркин ўтиради, мактаб формаси талаб этилмайди. Сизларда ўқувчилар ва мактаблар орасида рақобат, рейтинг кўрсаткичлари мавжуд экан, биз эса тенгликни таъминлашга интиламиз. Финляндия мактабларида 14 тагача фан ўқитилади. Ўзбек миллий таълим тизимида эса 20 та фан ўқув дастурига киритилган. Бизнинг асосий вазифамиз — тренерларни тайёрлаш. Аввало, ўқувчи дарсда нимани ўрганиши ва унга қандай билим бериш кераклиги ҳақида йўлаш зарур. Асосий мақсад шуки, ҳеч қайси ўқувчи у ёки бу фанни ўзлаштиришда тенгдошларидан орқадан қолмаслиги керак. Бу жараёнда ўқитувчининг маҳоратига кўп нарса боғлиқ. Паст ўзлаштираётган ўқувчига индивидуал ёндашув талаб этилади. Шунингдек, дарсларни қизиқарли ўтиш ҳам муҳим. Дарсдан сўнг уйга борган ҳар бир ёш бугун нимани ўрганиганини мустақил таҳлил қилиши лозим, — дейди финляндиялик мутахассис Ханне Коли.

Финляндияликлар билан яқин ҳамкорлик малакали мутахассисларни тайёрлаш орқали Навоий вилоятининг барча ҳудудига хорижий тажрибани олиб киришга қаратилган. Бу жараёнда муштарақ мақсадлар рўёби сари интилиш ўз ифодасини топади.

Бугун таълим муассасалари олдига қўйлаётган талаб ўқувчига фақат билим беришигина эмас, уни ҳаётга тайёрлаш ҳам назарда тутади. Айнан шу жиҳат Финляндия таълим тажрибасида муҳим саналади. Шу боис, фин педагоглари зиммасига фанни ҳаёт билан боғлаб ўргатиш масъулияти ва вазифаси ҳам юклатилган.

Маъзур мамлакатда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан

интилади, маҳорати ва тажрибасини мунтазам ошириб боради.

Бугун IT соҳасини яхши билиш қанчалик муҳим бўлса, хорижий тилларни ўрганиш ҳам давр талаби. Ўқитувчининг вазифаси тилни билишдангина иборат эмас, ёшларда тинглаш, англаш, сўзлаш олиш, ўқиш кўникмаларини ҳам шакллантиришдан иборат.

Кармана туманидаги 15-умумтаълим мактабида фаолият юритаётган ёш мутахассис Гавҳар Мавлонованинг ҳам ўқувчиларга сабоқ беришда ўз услуби бор. Инглиз тилини ўргатишда ёшларнинг феъл-атвори, салоҳияти, имкониятини ҳисобга олиб, ҳар бирига индивидуал ёндашувга интиладиган шарофли касб эгаси соҳага қизиқиши ҳамда изланувчанлиги сабаб Буюк Британияда тажриба ошириш имкониятига эга бўлди.

— "Энг маҳоратли хорижий тил фани ўқитувчиси" танловининг туман босқичида голиб бўлиб, вилоят босқичида иккинчи ўринни кўлга киритганидан кейин танлов низомига асосан, хорижда малака оширдим. Жараёнлар жорий йил сентябрь ойида Буюк Британиянинг Манчестер шаҳридаги университетда бўлиб ўтди. У ерда хорижий профессор ва мутахассислар тил ўргатиш бўйича ўз тавсияларини берди, — дейди Гавҳар Мавлонова.

Ўқитувчи меҳнати йиллар синовидан ўтади ва замон шиддати педагоглар олдида янги вазифалар қўяди. Ўз-ўзидан янги даража услубларидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлади ва тизимда соғлом рақобат муҳити шаклланади. Соҳа вакиллари ҳамкасбларидан ўрганади, ўстозлар тажрибаси оммалаштирилади. Ўзаро ҳамкорлик, маҳорат алмашишдан қўзланган мақсад ҳам ёшларни билимли, соҳаюқитиб қилиб тарбиялашдан иборат. Тил кўникмаларини ошириш йигит-қизлардан интилиш, ўқитувчилардан эса изланиш талаб этиди.

Бир суз билан айтганда, мактабларда таълим сифатини ошириш мақсадида илгор хорижий тажриба оммалаштиришга қаратилган саёй-ҳаракатлар қисқа фурсатларда ўзининг ижобий самарасини бера бошлайди.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, журналист**

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Шифокор қабулига ёзилиш учун вақт ажратиш, ўқиш ёки ишдан қолиб, клиникага бориш, мутахассисни танлаш ва шифокор қабулига кириш учун навбатга қупон олиш талаб этилади. Кўпинча турнақатор навбат кутишга тўғри келади, бу эса кўп вақтни олади. Ана шундай овозгарчиликлар сабаб кўпчилик шифохоналарга боришни хоҳламайди.

### “ЭЛЕКТРОН ПОЛИКЛИНИКА”

У қандай афзалликларга эга?



Бу каби муаммоларга ечим топиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш мақсадида мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида “Электрон поликлиника” тизими жорий этилмоқда.

Оҳангарон шаҳрида жойлашган Тошкент вилояти Ёшлар технопарки раҳбари Ойбек Тўйчиев узоқ излашлардан сўнг “Электрон поликлиника” дастурини ишлаб чиқди. Бу электрон тизим мамлакатимизда яратилган мазкур йўналишдаги илк маҳаллий ишланма экани билан аҳамиятлидир.

Ҳўш, бу дастур қандай ишлайди ва у қандай афзалликларга эга?

Ишлаб чиқилган ягона электрон рўйхатга олиш ва шифокор қабулига ёзилишининг ахборот тизими — “Электрон поликлиника” шифокор қабулига кириш учун узоқ вақт навбат кутиб туришдан халос этиши билан аҳамиятли. Унинг ёрдамида фуқаролар ўзлари учун қулай вақтда уйдан чиқмасдан шифокор қабулига ёзилиши, шифокор ва муассаса ҳақида маълумот олиши мумкин. Бу поликлиникаларга онлайн тарзда маълумотларни қайд этиш, оилавий поликлиникаларда ягона электрон амбулатор тиббий картани юритиш имконини беради.

— Мазкур дастур онлайн режимда ишлайди, — дейди лойиҳа муаллифи Ойбек Тўйчиев. — Унда тиббиёт муассасаларининг жойлашуви, шифокорларнинг исми-фамилияси, мутахассислиги, ишлаш вақти ва бошқа кўрсаткичлар акс этади. Телефонга ўрнатилган электрон дастур орқали бемор шифохонани, ўзини бевозта қилаётган касалликдан келиб чиқиб, тегишли шифокорлардан бирини танлаши ва узига

қулай вақтни белгилаб, унинг қабулига ёзилиши мумкин. Натижада беморлар шифохонага келиб, навбат кутиб қолмайди. Белгиланган пайтда шифокор кўриқдан ўтади.

Дарҳақиқат, ушбу тизим ўта қулай. Бунда тиббиёт муассасасида рўйхатдан ўтиш бўлимида POS принтер, ҳар бир шифокор хонасида компьютер, электрон навбатларни кузатиб бориш учун электрон табло, тиббиёт хисоботлари ҳамда маълумотномаларини чиқариш учун принтер ускунаси бўлиши керак. Компьютерларнинг ҳар бири маҳаллий хисоблаш тармоғига улангани онлайн режимда навбатга ёзилаётганларнинг маълумотларини кузатиб бориш имконини беради.

Тиббиёт муассасасида ягона электрон тизим бўлгани учун шифокорнинг компютерини бемор ҳақида маълумотлар ва унинг электрон навбатини чиқиб туради. Кўриқ тугагандан сўнг бемор қабулхонага келиб, тайинланган дори-дармонлар рўйхатини, уларни қабул қилиш йўриқномасини электрон тарзда олади. Сабаби баъзан шифокорлар ҳуснати бемор ҳам, ҳатто дорихоначилар ҳам тушунишга қийналади. Электрон йўриқнома эса ана шундай муаммога ечим бўлади. Унда дорилар номи аниқ-тиниқ акс этади. Яна бир қулайлиги, кўриқдан сўнг беморнинг электрон амбулатор тиббий картаси шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, шахсий амбулатор карталар йўқолиб қолишининг олдини олади, беморнинг ҳар сафар уни ўзи билан олиб келишига эҳтиёж қолмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларидаги тиббиёт муассасаларида “Электрон поликлиника” ахборот тизими босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Бу борада олис шаҳар ва туманлар ҳам

эътибордан четда қолмаяпти. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов, Тяхиатов туманлари ҳамда Нукус шаҳридаги поликлиникаларда ана шундай ахборот тизими жорий этилди.

Президентимизнинг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бугинги касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айланатириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажминини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва ҳусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билиминини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар белгиланган.

Тошкент вилояти Ёшлар технопаркида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа мазкур қарор ажрасини таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Лойиҳа айни пайтда Оҳангарон шаҳар тиббиёт бirlашмаси ҳамда Оҳангарон марказий кўп тармоқли оилавий поликлиникасида тест режимида ишламоқда. Келгусида ушбу дастурни вилоятдаги ҳар бир тиббиёт бirlашмасида жорий этиш кўзда тутилган.

**Шаҳзода ҒАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири**

ЭЗГУ ТАШАББУС

# “БИР НУРОНИЙ ЎН НАФАР ЁШГА МАСЪУЛ”

лойиҳаси асосида ташкил этилган кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди

Ёши улуғ, оиланинг файзи бўлган нурунийларни биздек ардоқлайдиган халқ бўлмаса керак. Негаки, нафақат тўй ва маъракамиз, бошқа тадбирларимизни ҳам тизимдан нур ёғилувчи отахону онахонларимизнинг тасаввур қила олмаймиз. Давлатимиз раҳбари ҳам кексаларимизга муносиб турмуш шароити яратиш, тиббий-ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш билан бирга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилинганни эса кексаларга бўлган юксак ҳурматнинг амалдаги ифодасидир.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида кексаларимиз фаоллигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Қарор билан “Бир нуруний ўн нафар ёшга масъул” лойиҳаси асосида катта ҳаётий тажриба ва билимга эга бўлган 16 224 нафар фаол, обрўли нурунийга иш билан банд бўлмаган, моддий, маънавий кўмакка муҳтож 154 218 нафар ёш бириктирилди.

Бой ҳаётий тажриба, намунали турмуш тарзига эга кексаларимизнинг беминнат ўғиту насихатлари таъсирида ҳаётда тўғри йўл топиб кетаётган

иштирокчилар ўз ҳаётий тажрибасини, маҳалласида лойиҳа доирасида амалга оширган ишларини намойиш этди.

— Бугун кекса авлод вакилларига жуда катта эътибор берилляпти. Зеро, нурунийларимизни қанча эъзозласак, шунча оз. Шу билан бирга, уларнинг бой тажрибаси, ҳикматга тўла маслаҳатларини ҳам олиб қолишимиз керак, — дейди Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Бахтиёр Норов. — Кўрик-танловнинг аҳамиятли томони шундаки, у бир қанча давлатлар раҳбарлари ийилган нуфузли тадбирларга гувоҳ бўлган кўтлуг масканда ўтказилляпти. Танлов бошланғичига қадар ҳам нурунийларимиз диққатга сазовор жойларга олиб борилди. Иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш учун келган кекса авлод вакиллари ҳам бугунги тадбирдан хурсанд.

Дарҳақиқат, нурунийларни ҳар қанча ардоқласак, кўнгилни кутарсак, кам. Шу маънода, уч шарт асосида ўзаро беллашган нурунийлар орасидан ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Якунга кўра, 1-ўрин Сурхондарё вилоятидан Чори Жумаевга насиб этди. Ғолибга 27 миллион сўм пул мукофоти топирилди. 2-ўринга Самарқанд вилоятидан Солижон Худоев муносиб кўрилиб, 18 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. 3-ўринни банд этган қорақалпоғистонлик



минглаб йигит-қизлар мисолида лойиҳа ўзини оқлаяпти, дейиш мумкин.

Ёшларга бириктирилган отахон ва онахонларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ёшларимиз тарбиясида кекса авлод вакиллари тажрибасидан кенг фойдаланиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ажралиш ёқасида турган ёш оилаларда барқарор муҳитни вужудга келтириш борасида амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилиш ва ижросини таъминлашда фаол иштирок этаётган нурунийларни рағбатлантириш мақсадида “Бир нуруний ўн ёшга масъул” кўрик-танловини ўтказиш белгиланган.

Жорий йил август ойида мазкур кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари жойларда кутаринки ва байрамона руҳда ўтказилди. Ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган 14 нафар нуруний танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказида жам бўлди. Танлов жараёнида

Нурмуҳамед Тлеумуратов 9 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди.

— Ёшлар билан ишлаётганимга 60 йилдан ошди, — дейди танлов ғолиби Чори бобо Жумаев. — Бу кўрик-танлов бой тажрибаимизни амалиётда қўллаш имконини берди. Термиз шаҳридаги 37 маҳалланинг барчасида фаолият олиб бораёلمиз. Ҳозир уюшмаган ёшларга иш топишда кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш учун имтиёзли кредитлар олишда ёрдамлашаётганимиз яхши натижа берапти. Тарбияси оғир ёшларни турли ёмон одатлардан асраш мақсадида маҳаллаларда таъбирчан тарғибот тадбирларини олиб бораёلمиз.

Танлов якунида тадбир иштирокчиси бўлган ҳар бир нурунийга фаоллиги ва алоҳида ютуқлари учун ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалар топирилди.

**Муножат МЎМИНОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

## ИЖОДКОРЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН МАЙДОН

### IX Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi иш бошлади

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида “Рассом ва жамият. Келажак санъати концепциялари” мавзусида Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi ўз ишини бошлади.

Очилиш маросимида юртимизда санъат ва маданиятга кўрсатилётган эътибор туфайли халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузи янада юксалиб бораётгани, мазкур биеннале эса замонавий санъат тамойилларини урганиш орқали дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi 2001 йилдан бунён икки йилда бир мартаба ўтказиб келинмоқда.

### 35 мамлакат ижодкорлари жам бўлган санъат анжумани

IX Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi санъат соҳасида маданий алмашинув, турли мамлакатлар ижодий салоҳияти билан танишув, замонавий санъатнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш учун майдон вазифасини ўтамоқда.

28 октябргача давом этайдиган биеннале доирасида жаҳон ва миллий санъат намуналари намойиш этилади. Замонавий тасвирий, концептуал санъатнинг хориждаги машҳур намуналари билан ижодий тажриба алмашилиб, мулоқот уюштирилади. Чет мамлакатлардаги нуфузли илмий даргоҳлар вакиллари иштирокида илмий-амалий конференциялар ўтказилади.

Биеннале хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Халқаро тадбирда дунёнинг 35 давлатидан тасвирий санъат усталари иштирок этаётгани бунинг яққол исботидир. Улар орасида Аргентина, Бразилия, Бангладеш, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Нидерландия, Миср, Исроил, Италия, Испания, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Кувайт, Канада, Литва, Малайзия, Польша, Россия, Руминия, Сербия, АҚШ, Туркия, Тунис, Франция, Филиппин каби давлатлар вакиллари бор.

Дастурга мурофиқ тадбир иштирокчилари томонидан 8 та ижодий кўрғазма ўтказилиб, 6 та маҳорат дари ва маърузалар тақдим этилади.



Халқаро ва маҳаллий ижодкорлар тасвирий санъатнинг қатор замонавий йўналишлари — поп-арт, рақамли санъат, инсталляция, видео ва фотоарт, шунингдек, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича ўз ижод намуналари билан катнашади.

Халқаро замонавий санъат биеннаlesi тадбирлари Тошкент фотосуратлар уйи, Камолитдин Бехзод номидagi Шарк миниатюра санъати музейи, Иқо Хираяма халқаро маданият карвонсаройи, Камолитдин Бехзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Бадий академия ва Бадий ижодкорлар уюшмаси анжуманлар залида бўлиб ўтмоқда.

Беш кун давомида санъат ихлосмандлари етуқ ижодкорларнинг энг сара санъат намуналаридан баҳра олиб, ижодий мулоқот қилиш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконига эга бўлади.

Тадбир низомига кўра, ғолиблар муносиб тақдирланади. IX Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi ҳайъат аъзолари Италия, Озарбайжон, Буюк Британия ҳамда россиялик таниқли экспертлардан иборат.



— Кўллаб давлат вакиллари қаторида мен ҳам ушбу нуфузли тадбирда иштирок этаётганимдан мамнунман. Сўнгги йилларда Ўзбекистон барча соҳаларда дадил одимламоқда. IX Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesiда ҳайъат аъзоси сифатидаги иштироким зиммамга улкан масъулият юклайди. Мен биеннале ташкилотчилари ва катнашчилари номидан Ўзбекистон Президентига чексиз миннатдорлик ихроқ қиламан, — дейди Италиядан ташриф буюрган меҳмон, Гаруццо фонди бош куратори Алессандро Карер.

25 октябрь кунги биеннале доирасида иштирокчилар эътиборига Россия Бадий академияси мухбир аъзоси Кирилл Гаврилиннинг “Келажак санъати. Санъат ва фан” мавзусидаги маърузаси ҳавола этилди. Камолитдин Бехзод номидagi Шарк миниатюра санъати музейида эса Малайзия ва Хитой рассомлари кўрғазмаси очилди.

Тошкент фотосуратлар уйида ўзбекистонлик ва хорижлик рассомлар асарларидан иборат фотокўрғазма иш бошлади. Унда Исқандер Содикзода, Владимир Жирнов, Абдуғани Жумаев, Владимир Шлосберг, Виктор Ан ҳамда Туркия, Ҳиндистон, Литва, Эрон, Бангладеш каби мамлакатлар фотоиждокорларининг ижод намуналари намойиш этилди.

### Лондонда яшаётган ҳамюртимиздан маҳорат дарслари

— Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesини барча ижодкорларга янги гоълар учун парвоз майдони деб аташ мумкин, — дейди таниқли фотоиждокор Исқандер Содикзода. — Тақдим этилган асарлар шунчаки фотосурат бўлиб қолмай, уларда теран фалсафа, муаллифнинг томошабинга айтмоқчи ва инсонларни эзгулик сари ундамоқчи бўлган юксак гоъларни мужассам.

Кўрғазма доирасида бугунги кунда Лондонда яшаб ижод қилаётган ҳамюртимиз, рассом, ҳайкалтарош Юнус Сафардиёрнинг эркин жанрдаги асарлари ҳам қўламосабиларни бефарқ қолдирмади. Мўйқалам устаси томонидан ёш рассомлар учун маҳорат дари ҳам ўтказилди.

Пойтахтимизда тўққизинчи бор ташкил этилган халқаро замонавий санъат биеннаlesi дунё тасвирий санъати вакиллари ўртасида мустаҳкам кўприк, ижодий мулоқот майдони вазифасини ўташ билан бирга, Ўзбекистон номини жаҳонга тараннум этишга хизмат қилади.

**Гуличеҳра ДҲРДИЕВА,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Марказий Осиё ёш ижодкорлари форуми ташкил этилгани истеъдодли қаламкашлар учун том маънода унутилмас лаҳзаларга бой бўлди.

# БИРИНЧИ ҚОР БАҒРИДА МУШОИРА

Марказий Осиё ёшлари форуми қалбларни қалбларга туташтирди

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Туркменистондан келган меҳмонларга мезбонлик қилган юртимиз мазкур халқаро анжуман орқали қардош халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга яна бир қарра ҳисса қўшди. Ижодга ташна қалблар жам бўлган форум



пойтахтимиз марказида қад ростлаган Адиблар хиебонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйишдан бошланди. Хиебоннинг хушманзара табиати, устоз адибларга эҳтиром рамзи сифатида барпо этилган ҳайкаллар, Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи меҳмонларда эркин таассурот қолдирди.

Форум уюшманинг Заркентдаги Паркент ижод уйида давом этди. Тантанали маросимда Ёзувчилар

уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид илк мартабада ўтказилаётган мазкур форумнинг аҳамияти, ундан кўзланган эзгу мақсадлар ҳақида сўзлади.

— Бу жуда ноёб учрашув, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони,

адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров. — Бугун дунё ҳам салбий, ҳам ижобий маънода кутбларга ажралиб қолмоқда. Бу мураккаб глобал жараёнда ижодкор ўзига “Мен қандай ёзишим, жаҳон адабиётига ўзимни қайси гоъ, фикр орқали

таништиришим керак?” деган саволни бермоғи лозим. Агар сиз, ёшлар бу саволга тўғри жавоб топа олсангиз, асарларингизни китобхонлар қўлидан қўймай ўқийди. Уйлайманки, мазкур форум ёш ижодкорларга ана шу гоълар сари туртки бера олди.

Дарҳақиқат, бугун ўзбек адабиёти, она тилимиз равнақи санъати мамлакатимиз, балки Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон, Қирғизистон, умуман, дунёда ўзбек тилида ижод қилаётган қаламкашлар фаолияти билан яхлитир. Табиийки, бунда Ўзбекистондаги адабий жараёнлар миллий сўз санъатимиз, она тилимиз ривожининг асосий магзини ташкил этади.

— Ушбу адабий анжуман келажакда туркий тилли давлатлар ёшларини жамлайдиган энг гўзал мушоира ва мунозаралари билан эътибор қозонса, ажаб эмас, — деди таниқли шоир ва таржимон Фахриёр. — Миллий адабиёт доим дунё адабиёти билан таъриба алмашиб туриши жуда муҳим жараён. Зеро, асар қайси тилда ёки мавзуда яратилган бўлмасин, уларни инсон тақдири, руҳияти бирлаштириб туради.

Шу кунги ёшлар мушоираси орқали ижодкорлар дўстлашиб, бир-бирини тинглаш имконига эга бўлди. Халқаро анжуман якунида меҳмонларга Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган бадий китоблар, диплом ҳамда эсдалик совғалар топирилди.

Тўрт томони тоғлар билан ўралган ижод уйи бу пайтда кузнинг заррин нурларига чулганган, не ажабки, ташқарида биринчи лайлақ қор ёғар, ичкарида шеърлар шеърга, диллар дилга боғланарди...

**Наргиза АСАДОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.  
80721 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов  
Мусаҳҳих: Рашид Хўжамоов  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй